

Qishloq hayoti

2009 йил

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

Ўзбекистон Республикаси ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 6 JANVAR SESHANBA 3 (7464) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.

ЭЛ ДАСТУРХОНИ ТЎКИН



"Тахиятош-дон" акциядорлик жамияти жамоси жорий йилнинг ўтган даврида 37 минг 526 тонна бугдойни қайта ишлади.
Корхонада ишлаб чиқарилган ун, макарон ва нон маҳсулотлари истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб берилмоқда.
Айни пайтда корхонада дон маҳсулотларини вақтида қабул қилиш учун барча шароитлар яратилган.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) "Тахиятош-дон" акциядорлик жамияти ишчилари Мухтор Матмуратов, Қуан Қучербоев иш пайтида.

Арслон КАННАЗАРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Қорақалпоғистон Республикаси

• 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни •

Президентимизнинг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларида мuddатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва миллий армиямизни ислоҳ қилиш борасида яна бир муҳим қадам бўлди.

ШАРАФЛИ БУРЧ

Мақруф фармонга мувофиқ, 2009 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқароларини мuddатли ҳарбий хизматга йилига бир марта – февраль-март ойларида чақириб белгиланган ҳамда мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни захирага март-апрель ойларида бўшатиш кўзда тутилган.
Айни вақтда Сирдарё вилояти мудофаа ишлари бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимларида чақирилувчиларни мuddатли ҳарбий хизматга янги тартиб асосиди чақириб ташкил этиш, бу жарағна ҳар томонлама пухта тайёргарлик қилиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.
— Тизимда жорий этилган янгилик мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларнинг профессионал тайёргарлигини янада юксалтириш, маънавий-ахлоқий ва интеллектуал салоҳияти юқори, ҳар томонлама етук ҳарбийларни тайёрлашда муҳим ўрин тутди, — дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси чақирув бўлими бошлиғи Комил Бекпулатов. — Маҳаллий ҳокимликлар, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар кўмитаси, «Нуроний», «Махалла-жамғармаларининг вилоят бўлимлари билан ҳамкорликда жойларда давра суҳбатлари, учрашув ва мулоқотлар ташкил этилиб, Юрбошимизнинг ушбу фармони мазмун-моҳияти, аҳамияти хусусида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.
Мақруф тadbирлар доирасида бўлажак Ватан посбонларига ҳарбий ҳаётнинг ўзига хос жиҳатлари, ҳарбий қисм ва билим юрталарида яратилган шарт-шароитлар, аскарларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, уларга белгиланган имтиёзлар ҳақида тушуна ва маълумотлар берилмоқда.
Вилоятдаги навбатдаги чақирув мавсуми олдидан барча туман ва шаҳар мудофаа ишлари бўлимлари ҳамда чақирув масканларида иситиш тизимлари таъмирдан чиқарилди, зарур жиҳозлар, керакли адабиёт ва қўлланмалар келтирилди. Шунингдек, тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда чақирилувчиларнинг оилавий шароити атрофича ўрганиб чиқилмоқда.
Шу кунларда мудофаа ишлари бўлимларида ёшларни қўриқдан ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилди, чақирилувчиларнинг жисмоний ва маънавий салоҳияти тегишли синовлар ёрдамида аниқланмоқда.

Д.ЭСОНОВА, ЎЗА мухбири.

○ Жараён

Суспензия самара беради

Элликқалъа тумани фермер хўжаликлари бир ярим минг гектар майдондаги кузги галло майсаларини барги орқали озиклантириш ишларини сифатли тугатишди.

Ушбу агротехник тadbир туманда ўтган йили биринчи марта қўлланилиб, қўтилган натижаларга эришилган. Усимлик ривожини баравар бўлиб, бошқа майдонлардагига нисбатан дурқун ўсган. Чунки экинларнинг азот ва фосфорга бўлган эҳтиёжи ўшиш даврида узлуксиз таъминланиб, қишнинг қаратон совуғига ҳам чидамли бўлди. Ниҳолларнинг тўла сақланишига эришилди. Натижада, «Борён», «Тоза Амиробод», «Гулистон» овул фуқаролар йиғинларидаги ўнлаб фермер хўжаликлари сув тақчиллигига қарамадан ҳар гектар ердан 45-52 центнердан сара дон ҳосили етиштирди.

Жорий мавсумда эллиқалъалик галлакор фермер хўжаликлари ушбу агротехник тadbирни янада кенг жорий этишни кўзлашган.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Мамлакатимизда ҳар бир боланинг меҳр ва эътиборда экани шу кунларда давом этаётган Янги йил байрами шодиёналарида яна бир бор намоён бўлмоқда.

ХАР БИР БОЛА МЕХҲР ВА ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида бўлиб ўтган Янги йил кеча-сида пойтахтимиздаги 21-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳам иштирок этди.

— Бу йилги байрам шодиёналари ҳар қачонгидан кизикарли ва мароқли ўтмоқда, — дейди мазкур Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Барно Жуманиёзова. — Кунини кеча биз орзика кутадиган «Президент арчаси» тadbирларида қатнашган эдик. Бугун эса академия ходимлари бизни Янги йил байрамига таклиф этишди.

Ички ишлар вазирлиги академияси тингловчилари ҳамда Республика ёш томошабинлар театри актёрлари томонидан ташкил этилган театрлаштирилган томоша ва эртак қаҳрамонлари иштирокида улкан арча атрофида бўлиб ўтган концерт дастури болаларда унутилмас таассурот қолдирди.

Н.АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири.

ДИЛЛАРГА ОЛАМ-ОЛАМ ҚУВОНЧ БАҒИШЛАБ

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлганидек, Фарғона вилоятида ҳам Янги йил байрами шодиёналари давом этмоқда.

Шаҳар ва қишлоқларда ўтказилаётган байрам тadbирлари катта кичикка олам-олам қувонч бағишламоқда. Айни пайтда вилоят марказидаги Аҳмад Фарғоний мажмуаси, «Кимёгар», «Нефтчилар» маданият саройлари, Юсуфжон қизик Шакаржонов номидagi вилоят драма театри, Охунбобоев ва Ойбек мавзелирида ўрнатилган арчалар юрдошларимиз, айнакиса, болажонлар билан гавжум.

— Байрам тadbирлари кўтаринки руҳда давом этмоқда, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари

бошқармаси бошлиғи Адхамжон Солиев. — Барча шаҳар ва туманларда бўлиб ўтаётган тadbирларда санъат усталари, болалар бадий жамосалари ўзларининг янги дастурларини намоийш этмоқда. Ўқувчиларнинг қишки таътили мароқли ўтиши учун турли кўнгилочар тadbирлар уюштирилаётир.

Вилоят «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси, Бозорлар уюшмаси томонидан ташкил этилган байрам ярмаркаларида нисбатан арзон нарҳларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилимоқда.

Байрам тadbирлари жамоат тартиби сақланган ва хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилинган ҳолда, тинч ва осойишта ўтмоқда.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА мухбири.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Мамлакатимизда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини кенг нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ҳам бу борада тегишли идора ва муассасалар ҳамкорлигида қатор тadbирлар ўтказилаётир. Ана шундай тadbирлардан бири Тошкент шаҳридаги Бирлашган техник мактабда бўлиб ўтди.

Чақирув ёшидаги фуқаролар ва уларнинг ота-оналари иштирок этган ушбу тadbирда Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қуроли Кучлари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар бераётган юксак самаралар, ҳарбий хизматчилар учун яратилаётган шароит ва жорий этилган имтиёзлар, мuddатли ҳарбий хизматга чақириб янги тизим ҳақида гап борди.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳамда ўзининг намунали ҳули ва аъло ўқиши билан тенгдошларига ўрнатилган келаятган ўғил-қизларга совғалар топширилди.

— Ўтказилаётган тadbирларда ёшларни Ватанга муҳаббат ва истиклол гоёларига садокат руҳида тарбиялаш, миллий армиямизда ҳар

томонлама соғлом, билимли, юксак маънавиятли ёшлар хизмат қилишини кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Иззат Яманов. — Чақирилувчиларнинг ҳарбий соҳага оид кўникмаларини шакллантириш, мuddатли ҳарбий хизматдаги ёшларнинг эгалланган билим ва малакасини янада бойитишга қаратилган тadbирлар доирасида аскар ва курсантлар, лицей ва коллежлар ўқувчилари ўртасида турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари мунтазам равишда ўтказилмоқда.

Х.САЛИМОВ, ЎЗА мухбири.

ТЕХНИКАНИНГ СОНИ ЭМАС, СОФИ МУҲИМ

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган механизатор Соттибой Шокиров 2009 йил боҳорида ўзи бошқарётган «МТЗ-80» трактори билан фаолияти давомида ўттиз бешинчи чигит экиш мавсумини ўтказди. Техника воситалари таъмирланишининг боришини кузатаётган ишчи гуруҳи аъзолари «35 ёшли» бу тракторнинг гўёки ҳозиргина завод конвейеридан тушганидек ҳолатда эканлигини кўришиб хайратга тушди.

Ўттиз беш йилдириқ об-ҳаво қандай бўлишидан қатъи назар, иш поёнига етганидан сўнг Соттибой тракторни обдон тозалайди, ювади, техник қаровини ўтказди. Агарда 3-4 кун ичида тракторга иш бўлмаса, уни цelloфанга ўраб қўяди. Булар фақатгина айтишгагина осон. Аслида, бу кишидан ишга меҳр, қўнт ва анчайин маҳорат талаб этадиган иш. 35 йилда Соттибой ака тракторининг двигателини алмаштирди, холос.

— Ерларимизни ер қиладиган, ишчимизнинг баракасини кўрсатадиган восита — техника, — дейди айни вақтда Улуғнор туманидаги «Назармаҳрам» фермер хўжалиги раҳбарлик қиладиган Соттибой Шокиров. — Дехқончилик ишларини юргизишда трактордек дастёрлик вазифасини ҳеч нарса босолмайди. Шундай экан, унинг йил-ўн икки ой балисали соатдек аниқлик билан ишлаши биринчи навбатда фермернинг фойдасига фойда қўшади. Тракторга механизаторнинг ўзи жавоб беради деган фермернинг эса ҳамёни қалпаймайди.

Кунини кеча Улуғнор туманида ММТПлар ва фермерлар ихтиёридаги техника воситаларини баҳорги дала ишларига тайёрлашга бағишланган кўрик бўлиб ўтди. Айтиш жоизки, сўнгги 2 йилда фермерлар лизинг ёки банклар кўмағида жуда кўп турли русумдаги техника воситаларини сотиб олишди. Улар орасида «Клаас» комбайнлари, «МХ-180» ҳамда «ВТ-150» ҳайдов, «ТТЗ» ва

«МТЗ» русумли чопиқ тракторлари, чигитни аниқ уялаб экадиган севкаларгача бор. Фермерлар бу техникаларни ҳамкасблари билан биргаликда ишлатишапти. Яъни, улар бир-бирига мададор. Улуғнор тумани чўл ҳудуди бўлганлиги сабаб бир қатор вазирлик ва компаниялар кўмағида қўшимча техник хизмат кўрсатиш марказлари ҳам ташкил этилдики, агротехник тadbирларни узвий равишда олиб бориш учун тўла имконият юзасига келди.

○ Тарадду

Фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш мақсадида кўрилатган чора-тадбирлар қишлоқ мулкдорларининг техника воситаларидан янада унумли фойдаланишга, уларни асраб-авайлашга ундаяпти. Кўрик жараёнида 210 та чопиқ трактори ишчи гуруҳи ҳайъати аъзолари ҳуқуқига ҳавола этилган чоғда фермерлар ва механизаторларнинг бир тан, бир жон бўлиши хазирлик кўрганлигининг гувоҳи бўлди. Тракторларнинг ёнида культиваторлар ва экиш севкалари ҳам бор. Фермер ўз тра-

кторига, механизаторга муносабатини тубдан ўзгартирганлигини кўриб қувонди.

— Узимиз ҳам бир оз беғам бўлиб қолган эканмиз, — дейди «Дилором» фермер хўжалигининг раҳбари Дилоромхон Раззоқова. — Ҳозирда ўзимизнинг ҳайдов, чопиқ, транспорт тракторларимиз бор. Механизаторларнинг барчаси тажрибали. Бири-бирининг ишини бажаришга қодир йигитлар. Озгина эътибор билан техникаларимизнинг ишлаш самарадорлиги ортаётганлигини кўрдик. Тракторни ҳаммиса соз ушлаган механизаторларнинг рағбатини йўлга қўйдик. Фалламиз, пахтамиз ҳосилдорлиги ошапти. Демак, даромад келаяпти. Унга асосий омил бўлаётган техникамиз йил бошида ноқ ишга тайёр.

Кўриқда иштирок этган механизаторларнинг меҳнатига раҳматлар билдирилиб, совғалар берилди. Фермерлар эса механизаторларга кундалик иш фаолияти учун зарур бўладиган

маҳсулоти кийим-кечакларини, маиший эҳтиёж учун зарур бўладиган анжомларни тақдим этишди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси томонидан ташкил этилган бу тadbирни вилоят мудофаа ишлари бўлими мақсада мувофиқ деб топилиди. 15 январдан бошлаб шундай техник кўриклар барча туманларда фермерлар ва механизаторлар иштирокida ўтказилаётган бўлди.



Андожон вилояти

Қобилжон АСКАРОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

«Жаҳон» ахборот агентлигининг хабари

Ўзбекистон жамоатчилиги Фаластин-Исроил можоросини тинч йўл билан ҳал этиш жараёни ва Яқин Шарқдаги вазиятни барқарорлаштириш истикболларини издан чиқараётган Ҳазо секторидagi тангликнинг авж олоётганидан жиддий хавотирга тушмоқда.

Ҳазо секторидagi кескин қуроли тўқношувлар кўплаб инсонларнинг қурбон бўлишига ва гумонитар инқирозга олиб келди. Можоронини қуч ишлаш йўли билан ҳал этишнинг ҳеч қандай истикболи бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон жамоатчилиги низолашайётган томонларни ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишга ва мавжуд келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал этишга чақиради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 6 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловларини учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	992,75
1 Англия фунт стерлинги	2063,48
1 Дания крониси	260,19
1 USA доллари	379,78
1 ЯКШ доллари	1394,90
1 Миср фунти	254,20
1 Хитой юэни	204,32
1 Малайзия рингити	400,83
1 Польша злотийи	466,02
1 СДР	2148,52
1 Туркия лираси	908,61
1 Швейцария франки	1291,69
1 ЕВРО	2003,22
10 Жанубий Корея вон	10,65
10 Япония иенаси	151,52
1 Россия рубли	47,46
1 Украина гривнаси	181,16

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олманган.



МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агроеоанот комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа хаддор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ерғодезқадастр», Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, «Ўздонмаҳсулот», «Ўзимёсанот», «Ўзагросуғурта», «Ўзвиносанот-ҳолдинг», «Ўзбекенгилсулот», «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниялари, «Ўзпахтасаноат», «Ер-мой ва озик-овқат саноати», Ўзбекистон фермер хўжаликлари, «Ўзагротасервис», «Ўзгўштсаноат» уюмлари, «Пахта Банк», «Ғаллабанк», Халқ банки, «Гидрометеорология» бош бошқармаси, Агроеоанот ходимлари касоба уюшмаси Марказий кенгаши, «Ўздавдонинспекция», «Сифат» маркази

Ёш музикачиларимизнинг Лондондаги концерти

Янги йил тантаналари давом этаётган шу кунларда Лондон шаҳри марказидаги Қироллик музика академиясида Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари ёш музикачиларининг «Equipés de Sogdiana — 2» («Сугдиёна гурӯҳлари — 2») деб номланган концерт дастури бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг Лондондаги элчихонаси иштирокида ташкил этилган ушбу тадбирда Британиянинг расмий, маданий жамоатчилиги ва ишбилармон доиралари вакиллари қатнашди. Буюк Британия маданий доираларидаги таниқли санъат арбоби Накао Ватанабе хоним концертининг ижрочи продюсери бўлди.

Ўзбекистондан мазкур дастурда уч нафар пианиночи — ака-ука Нурон ва Науфал Муқимий ҳамда Нафис Умаркулова иштирок этишди. Концертга таширф буюрган томошабинлар бир овоздан юртдошларимизнинг истеъдоди ва ижро маҳорати қатнашчилар орасида алоҳида ажралиб турганини эътироф этишди. Ўзбекистонлик музикачилар томонидан Иоганн Себастьян Бах (Токката), Ференц Лист («Хоровод гномов» концертдан этюд), Александр Скрябин (Соната-фантазия №2), Клод Дебюсси («Гренадада оқшом» ва «Ёмғир остидаги боғлар») каби буюк композиторларнинг асарларини маромига етказиб ижро этилди.

Ёш пианиночиларимиз Тошкентдаги Успенский номи Республика ихтисослаштирилган музика академиясида иштирок этишган бўлиб, ҳозирги кунда Қироллик музика академияси ҳамда Британиядаги етакчи халқаро музика мактабларидан бири бўлган «Purcell Scholl of Music» да тахсил олмоқда. Улар Европанинг қатор давлатлари, АКШ ва Россиядаги турли музика анжуманларида муваффақиятли иштирок этишган.

Концертдан сўнг ўз таассуротлари билан ўртоқлашар экан, Накао Ватанабе хоним мазкур тадбирнинг ташкил этилишидан кўзланган асосий мақсад Марказий Осиё давлатларидаги ёш авлод вакиллариининг имконияти ва истиқболларини британиялик музика ихтисомандларига намойиш этишдан иборат бўлганини таъ-

кидлади. «Музика чегара билмайди, у халқлар ўртасидаги мулоқот воситасидир. Шу боис ҳам мана шу каби тадбирларни ташкил этиш айнакча муҳим аҳамиятга эга, — деди Ватанабе хоним. — Ўзбекистонлик ёш музикачилар бугун ўзларининг нақадар юксак маҳорат эгалари эканини намойиш этишди. Уларнинг келажаги порлоқ эканига ишончим комил».

Лондондаги Шарк ва Африка тадқиқотлари мактабининг профессори Ширин Акнер хонимнинг сўзларига кўра, унга Нурон Муқимийнинг ижроси айнакча маъқул келди. «Нурон эндигина 12 ёшда бўлишига қарамай, Бахнинг мураккаб музика асарларини моҳирона ижро этгани мени ҳайратга солди, — дейди Ш. Акнер хоним. — Ўзбекистон ҳукумати ёш авлод вакиллари музика ва санъатнинг кўлаб турларида ўз қобилиятини намойиш этишгани кўлаб-қувватлаб келаётгани таҳсинга сазовор. Ёш авлодга бўлган эътибор — бу мамлакат келажагига йўналтирилган бебаҳо сармоя бўлиб, айнан мана шу эътибор ўз санъати билан келажақда бутун дунёни ҳайратга соладиган Нурон Муқимий каби ёрқин истеъдодли музикачилар авлодининг юзага келишига хизмат қилади».

Концерт ижрочиларидан бири — «Purcell Scholl of Music» музика мактаби ўқувчиси Науфал Муқимий Ўзбекистон санъатини Британия ва Европанинг бошқа давлатларида намойиш этиш ўзи учун улкан шараф эканини таъкидлади. «Британияда тахсил олиш имкониятини бергани учун Ватаним олдида таъзим қиламан. Ўзимга билдирган ишонччи оқлашга ва музика соҳасининг юксак чўққиларини забт этишга астойдил ҳаракат қиламан», — деди Н.Муқимий.

«Жаҳон» АА, Лондон

Сирдарё вилояти фермерлари пахта ва галладан борақали хирмон кўтариш учун ҳар йили астойдил киришадилар. Мўл ҳосил етиштиришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг замирида бободехқонларнинг тинимсиз меҳнати ётибди. Фермерларга эса барча соҳа вакиллари яқиндан ёрдам бердилар.

Фойдали ҳашарот — фойдага кафолат

Ана шундай соҳаларнинг бири ўсимликларни, ҳосилни зараркунданлардан ҳимоя қилиш соҳасидир. Вилоятда бу иш билан 55 та биолаборатория ва 3 та биофабрика ходимлари мутахассислари шуғулланишди.

Улар чикарган фойдали ҳашаротлар гўза, галла зараркунданларини йўқ қилиб, ҳосилни сақлаб қолади. Бойвут туманида «Сирдарёпахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси тизимида «Турон» биофабрикиси ташкил этилганга икки йил бўляпти.

— Биофабрикада энг замонавий 2 та трихограмма ва олтинқўз, хабробракон чикардиган линиялар ускуналари ўрнатилган, — дейди биофабрика директори Ҳабибжон Эшонкулов. — Утган йили Бой-

вотларни тайёрлаш, банкларга солиш нозик, майда иш. Бу ходимлардан озодалик, сабр, кунт билан ишлашни тақозо этади. Айни пайтда трихограмма линиясида арпани зарарсилантириш, насларни яхшилаш борасида ишлар олиб

борилмоқда. Бу йил биз 10 минг гектар майдонга хизмат кўрсатиш учун шартномалар тўзганмиз.

Яқинда бу ерда вилоятдаги барча лаборатория мудирилари, мутахассислари, қишлоқ ҳўжалигига мутасадди бўлган раҳбарлар учун кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Биофабрика ходимлари компьютерлаштирилган олтинқўз, трихограмма, хабробракон линияларини кўрсатишди.

Семинардан хулоса шукки, бўлғуси ҳосил ҳимоясига ҳозирдан тайёрларлик қўриш, барча чора-тадбирларни белгилаб олиш лозим. Семинар сўнггида илгор лаборатория ходимлари га савгали берилди.

Шумурод ХОЛМУРОВОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Сирдарё вилояти

Янги йилнинг илк кунларида Юқори Чирчиқ тумани маркази — Янгибозор кўрғонида замонавий даволаш-диагностика клиникаси иш бошлади.

ЯНГИБОЗОРДА ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятни юксалтириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги қонун ва қарорлар, давлат дастурлари, қатор меъёрий ҳужжатлар соҳа ривожига муҳим омил бўлаётди.

Айни пайтда шаҳар ва қишлоқларимизда барча талабларга жавоб берадиган замонавий шифо масканлари фаолият юритаётгани, янги йил фойдаланишга топширилаётгани халқимиз саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этаётди.

Тошкент вилояти

YETTI-IQOLIMDAN BIR SHINGIL

Яқин Шарк муаммоси: ҚУРБОНЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

2008 йил 27 декабрдан буйён давом этаётган Фаластиндаги ҳарбий ҳаракатлар натижасида 500 дан ортиқ фаластинлик вафот этди. 27 декабрь куни Исроил ҳарбий ҳаво кучларининг Газа секторига берган ҳаво зарбалари билан бошланган ҳарбий ҳаракатларга Исроил томони ўз худудининг Фаластин жангарилари томонидан ўққа тутилишини сабаб қилиб кўрсатган.

3 январь куни Исроил армияси ҳарбий ҳаракатларнинг қуруқликдаги босқинчи бошлади. Оммавий ахборот воситаларида Исроил армияси ҳамда Фаластиннинг «ХАМАС» жангарилари таркибидagi йўқотишлар борасида бир-бирига қарама-қарши хабарлар тарқатилмоқда. Исроил армияси вакили 30 нафар ҳарбийнинг жароҳатлангани, улардан 2 тасининг аҳоли ўта оғирлиги, 1 нафар ҳарбий эса вафот этганини тан олган. «ХАМАС» жангариларидан 30 таси йўқ қилингани айтилмоқда.

Олинган маълумотларга кўра «ХАМАС»чилар Фаластиннинг бошқа бир етакчи партияси «ФАТХ» вакиллари Исроилга ҳайрихоҳликда айлаб, ҳужум уюштирган. Натижада, «ФАТХ»нинг 75 аъзоси жароҳатланган. Фаластин мухторияти раҳбари Махмуд Аббос ҳам шу партия етакчисини ҳисобланади. 2007 йил икки партия ўртасидаги тўқнашулардан сўнг «ХАМАС» Газа секторини ўз назорати остига олган эди.

Жаҳон оммасини эса Газа секторидagi гуманитар инқироз ташвишга солмоқда. БМТнинг ҳарбий ҳаракатларни тўқатиш борасидаги резолюцияси қабул қилинмади. Ингилишда иштирок этган барча давлатлар ҳарбий ҳаракатларни тўқатиш фикрини тўла қўлаб-қувватлаган бўлса-да, АКШ вето қўйиш ҳўқуқидан фойдаланиб бунга йўл қўймади. АКШ томони тинчлик борасидаги ҳаракатларни қўлаб-қувватлашди, лекин БМТ резолюцияси қабул қилинган тақдирда ҳам шўнчаки расмий ҳужжат бўлиб қолишини, ҳеч қандай натижа бермаслигини айтган ҳолда ўз қарорини маъқуллаган.

Исроил маълумлари ҳам қарорлари қатъийлиги ва «ХАМАС» бутунлай яқсон қилинмагунча ҳеч қандай музокаралар олиб борилмастлигини маълум қилган.

БАҒДОДДАГИ ХУНРЕЗЛИК

Террорчи-хамикадзе томонидан амалга оширилган портлаш натижасида 38 киши ҳалок бўлди.

55 киши турли даражада жароҳат олди. Ҳалок бўлганлар орасида аёллар ва болалар кўпчилики ташкил қилади. Портлаш Бағдоднинг шимолидаги Қадимия худудида шиаларнинг диний маросими чоғида содир этилган. Вафот этганларнинг кўпчилигини зияратга келган эронликлар ташкил қилди. Утган 2008 йил 27 декабрь куни айнан шу ҳудудда портлаш содир этилган ва натижада 20 киши қурбон бўлиб, 50 киши жароҳатланган эди.

ҚАХРАТОН ҚАХРИ

АҚШнинг гарбий штатларида ҳаво кескин совиб кетди. Мамлакат миллий метеорология хизмати ҳодимларининг маълум қилишича, аввал кузатилмаган ўта совуқ ҳаво яна бир неча кун давом этади.

Хабарларга қараганда, тинимсиз ёғингарчиликдан йўллар бутунлай ёпилиб қолди. Ер музлагани сабабли автомобиль ҳалокатлари кўпаймоқда. Шунингдек, кучли шамол электр тармоқларини издан чиқармоқда. Миссури, Нью-Йорк, Оклахома сингари қўлаб штатларда минглаб одамлар электр энергиясидан маҳрум бўлди. Мактабларда дарслар тўхтаб, айрим корхоналар ёпилди.

ЭХТИЁТСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Хитойнинг Шаньдун туманидаги пиротехника воситалари ишлаб чиқарувчи фабрикасида содир бўлган портлаш оқибатида ўн уч киши ҳаётдан кўз юмди ва икки киши оғир жароҳатланди. Бедалрак йўқолганлар ҳам бор.

Хабарларга қараганда, бехтисиз ҳодиса портловчи моддаларни утилизация қилиш жараёнидаги эҳтиётсизлик оқибатида содир бўлган ва кучли ёғин юзага келган.

ЧИКИНДИДАН ЁҚИЛДИ

АҚШда қаҳва чиқиндисидан табиий ёқилги ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Мутахассисларнинг фикрича, қаҳва дони таркибида кўп миқдорда ёғ мавжуд. Бу табиий ёқилги ишлаб чиқаришда қўл келади. Қаҳва чиқиндиларидан, шунингдек, органик ўғит сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Маълумот кўригда шунини айтиш жоизки, дунёда ҳар йили 7,3 миллиард йўнграма қаҳва етиштирилади. Экспортлар бундай арзон хомашедан ёқилги тайёрлаш мамлакат бюджетига ҳар йили тахминан саккиз миллион АҚШ доллари миқдорига даромад келтиришини таъкидламоқда.

Жаҳон матбуоти хабарлари асосида А.НУРУЛЛАЕВ тайёрлади.

ХАБАРЛАР

Қишлоқда спорт мажмуаси

Яқинда Деҳқонобод туманидаги Бешбулок қишлоқда спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Бу Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли қурилиши натижасида бунёд этилди, — дейди қишлоқ маҳалла фуқаролар йиғини раиси Чоршанба Нисозов. — Деҳқонобод темир йўли бекатидаги мазкур спорт мажмуасида ёшлар кураш ва Шарк яққақураши билан шуғулланишди. 2009 йилда бундай мажмуалар яна қўлаб бунёд этилади.

Деҳқонобод кенгликларидадан ўтган темир йўлда мазкур маҳалладан 60 га яқин киши, худуддаги қалинли ўғитлар заводи қурилишида эса 16 киши ишлаяпти. Қишлоқ янада обод ва кўркам манзилга айланмоқда. Бугун чўпон-қўлиқлар пою пиёда кезган қир-адирларда улкан техникалар ишлаяпти. Эртага бу ерда ноб иншоот — қудратли завод бунёд этилади.

Дарвоқе, ушбу корхона тўла ишга тушгач, икки минг киши иш билан таъминланади. Шу боис, соҳани пухта эгаллашга интилан ёшлар кимё-технология ва темир йўл соҳалари бўйича олий ва ўрта махсус ўқув юрларида тахсил олмоқдалар. Жорий йилда улар сони янада ортади.

Қутлуғ қадамжолар таъмирланмоқда

Ҳузур туманидаги Шайх Шайхобиддин ибн Умар Зиё зиёратгоҳида таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. У 120 йил умр кўрган бўлиб, кенг тарқалган тарикатлардан бирининг асосчиси.

Туман ҳокимлиги «Нуроний», «Камолот» жамағатлари билан ҳамкорликда хайри ишга қўл ўрди. 2009 йилнинг дастлабки кунлариданқош ушбу зиёратгоҳни таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари ҳашар йўли билан амалга оширила бошланди.

— Биз ушбу савоб ишга бош қўшаётганимиздан ниҳоятда мамнунмиз, — дейди Бухоро шаҳар тарихий ва маданий ёдгорликларни таъмирлаш бошқармаси муҳандиси Маҳмуд Сафоев. — Бунда Тошкент-Термиз автомобиль магистрал йўли 20 метрга кенгайди, қабристоннинг икки томони девор билан ўралади. Шунингдек, иккита минора қад ростлаш режалаштирилган бўлиб, макбара ёнида узунлиги 30 метрлик айвон барпо этилади.

Бунёдкорлар бу кенг қўламадаги ишни Наврўз умумхалқ байрами арафасида ниҳоялашга аҳд қилишган.

Ўз мухбиримиз. Қашқадарё вилояти



Чуст туманидаги «Усмонли ота» фермер ҳўжалиги 36 гектар экин майдонда боғдорчилик қилади. Ҳўжаликнинг асосий ерлари адирликда жойлашгани боис узумчиликни ривожлантиришга қулай. — 26 гектар тоқзоримиз бор, — дейди фермер Ҳайдарали Юнусов. — Узумларимизнинг асосий қисми санаотбоп. Айни кунларда амалга ошираётган асосий тадбиримиз тоқларга яқоб сўви беришдир. Утган йилда барча агротехник тадбирларни ўз вақтида бажарганимиз боис 100 тоннадан зиёд ҳосил олгандик. Янги йилда кўзлаган мақсадимиз ҳосилдорликни янада ошириш. Бунинг учун астойдил меҳнат қилишга тайёрмиз. СУРАТДА: фермер Ҳайдарали Юнусов, Р.ГАЛИЕВ олган сурат Наманган вилояти

ҲИСОБ-КИТОБ ПУХТА БЎЛСА... гаромадигане кўпаяғи, текширувдан чўчимайсан

Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясининг Бухоро филиалига иқтисод фанлари доктори, профессор Сайфулла Ҳайитов раҳбарлик қилмоқда. Илм-фан ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бу инсон бой ҳаётий тажрибага ҳам эга.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ҳисоб-китобни пухта билган, халқаро андозаларга жавоб берадиган бухгалтер ва аудиторларга катта эҳтиёж туғилди, — дейди Сайфулла ака. — 1999 йил июнь ойида Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясининг Бухоро филиали ташкил этилди. Дастлаб мутахассислар тайёрлаш жараёнида бир оз муаммолар ҳам туғилди. Чунки бозор иқтисодига қадар соҳада иш юритиш тизими бутунлай эски андозалар билан олиб бориларди. Эндиликда эса бу ҳолга барҳам берилиб, жаҳон талабларига мос бухгалтерлик ишини юритиш ва аудиторлик фаолияти йўлга қўйилляпти. Филиалимиз томонидан биринчи эътибор ана шу

бушлиқ ўрнини тўлдиришга қаратилди. Филиалимизда яқунланган йилда 17 нафар аудитор, 48 нафар бухгалтер жавоб берадиган тугаллади. 15 нафар аудитор эса ўз малакасини оширди. Уларга молиявий ҳисоб, халқаро бухгалтерия стандартлари бўйича 60 соатлик курслар ўтилди. Мутахассислар ЮСАИД томонидан тайёрланган махсус дастур бўйича курс ниҳоясида имтиҳон топширдилар. Ўйлаймики, мутахассисларимиз замон талаби асосида аудиторлик хизматини кўрсатиб, вилоятимиздаги мавжуд корхоналарни молиявий соғломлаштиришда ўз билим ва тажрибаларини аямаядилар.

Сайфулла Ҳайитовнинг кўп йиллик илмий фаолияти Бухоро озик-овқат ва енгил санаот технологияси институти билан ҳамкорликда, 36 йил давомида иқтисодчи мутахассислар тайёрлашга ҳисса қўшди. Ҳозирда ҳам мазкур илм даргоҳида менежмент ва маркетинг кафедрасида хизмат қилади. Бугунги кунда мазкур кафедрага мудирлик қилаётган иқтисод фанлари доктори Раҳматулла Асадов, Бухоро шаҳридаги иқтисод ва банк коллежи директори Аслиддин Низомовлар ҳамда бир қатор ёшлар унинг йўлидан бориб, иқтисодчи


О Тадбир

Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида вилоят хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан кўмита қошида ташкил этилган «Раҳбар аёллар» клубининг «Аёл — жамият кўзғуси» мавзусидаги давра суҳбати бўлиб ўтди.

Аёл — жамият кўзғуси

Унда ҳар бир аёл ўз оиласидагина эмас, жамиятда ҳам ўз ўрнини топишга интилиши, миллат келажаги улар билан чамбарчас боғлиқ эканини англаб етиши зарурлиги, шу боис аёл, аввало, ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлиши кераклиги, бундай эзгу ишда «Раҳбар аёллар» клуби фаоллик кўрсатиши муҳим эканлиги таъкидланди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири. Самарқанд вилояти



СУРАТДА: ассоциациянинг Бухоро филиали раҳбари С.Ҳайитов (ўртада) курс битирувчилари билан.

Жараён

лқаро талабга мос мутахассис бўлиши шарт. Ҳозирда филиални тугаллаб, аудиторлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган «Прогресс аудит» фирмаси ходимлари Рустам Қурбонов, Илхом Ҳамроев, Бахтиёр Жўраев ўз амалий тажрибаларида устозлардан олган билимларини кенг қўлашмоқда.

Шу билан бирга филиалда бухгалтерлар, аудиторлар, кичик ва ўрта бизнес вакиллари ҳамда тадбиркорлар учун тез-тез турли хил анжуманлар ўтказиб турилади. Бу ҳам соҳа ходимларидан иш жараёнида янгича фикрлаш, мушоҳада, текзор янгиликни илғаб олиш, фаолиятини такомиллаштиришда муҳим бир мезондир.

— Халқаро аудиторлик ҳисоби стандартлари бўйича Тошкентда 80 соатлик дарсларда қатнашдик. Бизга Россиядан келган ўз соҳасини мукамал билладиган, малакали мутахассислар сабоқ беришди, — дейди Сайфулла ака. — Маълумки, ҳозир юртимизда қўлаб хорижий корхоналар фаолият кўрсатади. Мазкур анжуманларда аудит текшириши ўтказиш ҳуқуқини беради. Ўйлайманки, қоридаги сингари анжуманлар тез-тез ўтказиб турилса, фойдадан холи бўлмайди.

Ўлғубек ЖУМАЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири. Бухоро вилояти

ҚАЙТА ИШЛОВЧИЛАР ИБРАТИ

Яккабоғдаги "Оқ олтин" пахта тозалаш хиссадорлик жамиятида йил сайин маҳсулот ҳажми ортиб, рентабеллик ўсишига эришилмоқда. Соф фойда эвазига корхона муҳандис-техник ходимлари, ишчи-хизматчилари даромадига даромад қўшиляпти.

Хиссадорлик жамияти раиси Рустам Жўраевнинг сўзига ўшбу соҳада қатъий эришган бўлса керак оддий ишчи-хизматчи, муҳандис-техник ходим иши, унинг ўзига хос томонларию, муаммоларини беш кўлдек билади. Ҳар куни ишчи коржомасида цехларни айланиб, ишчилар билан дилдан суҳбатлашади. Уларнинг феъл-атвориға қараб муомала қилади. Илгорларни намуна қилиб, ўз ишига бир оз совуққон бўлганларни икки-уч оғиз сўз билан тартибга қақиради.

— Мен раҳбарликни мансаб эмас, балки ташкилотчи, кези келганда ходимлар билан ёнма-ён ишлаб, меҳнатнинг роҳатини бирга кўришга интилувчи ишбўши бўлишда деб тушунаман, — дейди хиссадорлик жамияти раиси Рустам Жўраев. — Шу соҳада ўттиз йилдан ортиқ ишлаб кам бўлмаямиз. Айниқса, мустақиллик йилларидаги ислохотлар, унинг инсон манфаатиға йўналтирилганлиги заф бўлди-да. Бир йилда 22 минг 299 тонна пахта қайта ишланди. Ундан 8560 тонна тола олинди. Толамиз Қамаш, Нишон терминаллари орқали хорижга экспорт қилинапти.

Ҳа, Рустам Жўраев дилидаги гапларни ҳеч қандай муболагасиз, оддий тилда баён этди. Қуритиш, тозалаш цехлари фаолияти ҳақида алоҳида тўхтади. Тайёр маҳсулотлар омборлари ишдан мамнун эканлигини яширмади. Корхона қошидаги марказий, Эсат, Синан пахта тайёрлаш масканлари иши ҳақида батафсил маълумот берди. Корхона турдош жамоалар ўртасида биринчилардан бўлиб, 2003 йилда модернизация ва реконструкция қилинди. Цехлар таъмирланди. 12 та "Меҳнат" машиналари ўрниға замонавий 4 та УХК пахта тозалайдиган ускуналар ўрнатилди. Бу тола чиқишини 1-1,5 фозга ошиш имконини берди. Қисқа технология туфайли электр энергия иқтисод қилиниб, маҳсулот сифати тубдан яхшиланди.

— Аввал бир ойда 600 квт. соат электр энергия сарф қилинган бўлса, эндиликда бу рақам 380 квт. соатни ташкил этмоқда, — дейди бош нурчи Эргаш Олтибоев. — Бу дегани бир суткада 9-10 квт. соат электр энергия иқтисод қилинапти. Масофа қисқариб, технология ярмига иччамлашади. Момиқ ажратиш, тозалаш ускуналари бир батареяда олдин 16

линтёр эди, ҳозирги кунда 8 тага тўғри келмоқда. ПМ-5 русумли момиқ ажратиш ускунасида 75 квтли электр двигател, ҳаво сўргич вентиляторлар ўрнатилди. УХК линиясида олдин 15 квтли электр двигател бор эди. Айни пайтда 3 квтли двигателдан икитаси мавжуд.

Корхонада барабан, қуритиш цехлари барчаси бир жойда жойлашган. Бинолар усти ёпиқ бўлиб, масофалар ҳескин қисқарди. Той, чигитни ортиш темир йўл шохобчаси омборнинг ичидан ўтади.

— Корхонада унумли меҳнат қилишимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дея ўз фикрини баён этди сазовчи Абдусалом Йўлдошов. — Олдин ҳар бир сменада 42 нафар ишчи бор эди. Айни пайтда 30 киши меҳнат қилади. Овқатланадиган хона мавжуд. Тиббиёт хонасида барча кулайликлар бор. Ювенил, дам олиш хоналаридаги имкониятлар руҳиятимизни энгил қилиб, куч-ғайратимизни жўш урдирапти. Сменада ишловчиларға корхона ҳисобидан овқат берилмоқда. Узқодан қатнайдиган



кент тўқимачилик ва энгил саноат институтида таҳсил олаётган Илхом Хўшвақтов, Қодир Саидов, Даврон Умировлар амалиётни корхонада муваффақиятли ўташди. 2007 йилда корхона ходимларидан 20 киши сикатгоҳларда соғлигини тиклаган бўлса, 2008 йилда уларнинг сони 30 нафардан ошди. Қишлоқ мулкдорлари учун далага маҳаллий ўғит чиқариб, компост тайёрлашда амалий ёрдам берилаяпти. 4 та фермер хўжалиги даласида замонавий дала шийони барпо этилди. 2009 йилда бу рақам 6 тага етади.

— 2009 йил Президентимиз томонидан "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилинганлиги айри муқаддас бўлди, — дейди суҳбатимиз сўнггида Рустам Жўраев. — Бу биз саноатчиларни қишлоқ аҳли билан ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлайди. Қишлоқ аҳли бизга кенг иш фронти яратган экан, уларнинг фаровон турмуши, гўзал ва бир-биридан қўрқам ҳамда шимна қишлоқлари чиройиға чирой қўшим зиммамиздаги асосий вазифалардан бири, аниқроғи бурч ва юксак масъулиятдир.

Рустам Жўраев бу сўзларни шунчалик самимий изҳор этар эдики, унда оддий ишчи-хизматчиға ҳамнафас, ҳамфикр раҳбарнинг инсонийлик фазилати ёрқин акс этиб турарди. Зеро, қаерда яқдиллик, ҳамжихатлик бўлса, ўша ерда кут-барака, ишда унум, иқтисодий кўрсаткичларда ўзгариш бўлади. Яккабоғлик пахта тозалавчиларда ана шундай ишчанлик, янгиликка интилиш шавқи-заъки устувордир.

Хусан ТЕМИРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.
Қашқадарь вилояти

Пахта тозалаш саноати

ишчилар учун автобус ажратилган. Корхона ҳудуди 16 гектар бўлиб, у ҳар бир цехга бўлиб берилган. Эҳтиёжимиз учун бўш майдонларға картошка, сабзи, ошқовоқ, пивз, мош, ловия экиб, ҳосилни қўшимча даромад сифатида оламиз.

Биз бу каби миннатдорчилик сўзларини той тикувчи Саломат Қобулова, тозалаш цехи ишчиси Насиба Каримова, сазовчи Шариф Облақуловлардан ҳам эшитдик. Смена бошлиқлари Азамат Қодиров, Фарход Нарзиёв, Мансур Барноев, Зоир Бадалов дил сўзларида ислохотлар амалда самарали натижа бераётганлигини изҳор этишди.

Яккабоғлик пахта тозалавчилар 2008 йилни барча соҳада намунали қўнладилар. 420 нафар акциядорнинг 250 нафарини ёшлар ташкил этади. 32 нафар муҳандис-техник ходимнинг барчаси маълумотли, малакали мутахассислардир.

Ишчилардан Ортиқ Аҳмедов, Ислам Қаюмов, Эрназар Уриновлар 130-167 минг сўмдан дивиденд олишга эришдилар. Тош-

Бундан бир неча йил аввал Қизилтепа нон заводи фаолияти сўсийиб, боши берк кўчаға кириб қолаётган эди. Корхона хусусийлаштирилгач, ишлар ўнгланди.

Қизилтепанинг ширмой нони

Изланган, астойдил интилган киши ҳар қандай муаммони ечиши мумкин эканлигини қизилтепаник тадбиркор Маъруфжон Каримов ҳам исботлади. У технологияни эскириб қолган ушбу нон заводининг ускуналарини елиб-югуриб янгилади. Ўрнатилган янги олти сифатли замонавий печ ва тандирларда маҳоратли новойлар мазали оби нон, қолип-ли нон, гижда нонларни ёпиб, эл дастурхониға тортиқ эта бошладилар. Бу новойларға Қизилтепадаги касб-хўнар коллежларини битирган ёшлар шоғирд тушишгач, ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми янада ортди.

Хуллас, қайта янгиланган "Қизилтепаширмойнон" масъулияти чекланган жамиятида эндиликда бир суткада уч тонна унни қайта ишлаш эвазига аҳолиға ўн хилдаги нон ва нон маҳсулотлари, етти хилдаги макаронлар тортиқ этилмоқда.

Баҳриддин САДРИДДИНОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.
Навоий вилояти

Чорвачилик

ўтган йили 326 миллион сўм миқдорда кредит ажратилган эди. Бу маблагга ҳам 14210 тонна омикта ем, шрот, шелуха каби маҳсулотлар олиниб, чорвадорларға етказилди.

Қорақалпоғистон Республикаси чор-

вадорлари янги йилни ҳам бир қанча эзгу режалар билан бошлашди. Жумладан, сигирларни суный усудла қочириб самарадорлигиға эришиш, наслчиликни янада ривожлантириб, юқори маҳсулот берадиган молларнинг бош сонини кўпайтириш бўйича комплекс ишлар изчил амалға оширилди. Шунингдек, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини ташкил қилиш, фермер хўжалиқларида ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш технологияларини жорий этиш каби долзарб масалалар ечимини топиш муҳим вазифалардан саналади.

Ҳар бир туманда аҳоли ва фермер хўжалиқлариға омикта ем сотишға иқтисослаштирилган 84 та шохобча намунали хизмат кўрсатмоқда. Бирлашмаға

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.
Қорақалпоғистон Республикаси

Даромад ошди, имконият кенгайди

Ўтган йили Ҳамза Очиллов раҳбарлик қилаётган Гиждувон туманидаги "Шўхрат Б.М." фермер хўжалиги миришкорлари давлат қабул масканларига шартнома асосида 76 тонна пахта хомашёси ва 30 тонна сара дон етказиб бердилар. Даромадлар ҳам шунга яраша бўлгани турган гап.



Бундан ташқари, хўжалик ихтиёрида бўлган МТЗ-80, Т-28, Беларус-1025 русумли 5 та трактор ва қишлоқ мулкдорининг 4 та шахсий юк машиналари ҳам қўшни фермер хўжалиқлари ва маҳаллий корхоналарға хизмат кўрсатиб, тузукчи на даромад келтирмоқда. Хўжаликда парвариш қилинаётган 160 бош қорақўл қўйлари ҳам даромад манбаларидан бири саналади.

Мулкдор даромадлари ҳисобидан қишлоқларни ободонлаштириш, ариқ-зовурларни тозалаш, КВЛПларни таъмирлаш учун ўз ҳисобидан 2 миллион сўм маблаг ажратди.

— Имкониятларимиз эндиликда анча кенгайди. Жорий йил охиригача Бештувон қишлоғи ҳудудида сутни қайта ишлайдиган мини завод қуриб ишга туширишни режалаштираямиз, — дейди фермер.

Бухоро вилояти

Ҳамроз АЛИ олган сурат.

Қорақалпоғистон Республикасида чорвачиликни ривожлантиришға эътибор кўчатирилмоқда. Айниқса, Юртбошимизнинг 2006 йил 23 мартда қабул қилинган "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори ижроси бўйича қўвонарли натижаларға эришилмоқда.

ТАРМОҚ РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Айни пайтда Қорақалпоғистоннинг беповён яйловларида, кишики мавсумға пухта тайёргарлик кўрилган отарларда 234 минг қўй-эчки, 653 минг бош қорамол, шу жумладан 200 минг бошдан ортиқ сигир зооветеринария талаблари асосида парваришланмоқда. Ўтган йили бошқа давлатлардан келтирилган 270 бош наслдор молларнинг рацион асосида боқи-лишиға қатта эътибор берилаяпти. Айни шу жараёнда Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария бошқармаси жамоасининг муносиб ҳиссаси ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Бошқарма бошлиғи М.Қайпановнинг таъкидлашича, ҳозир 87 та зооветеринария шохобчалари ишлаб турибди. Бу бўлималарнинг фаолияти хилма-хил бўлиб, асосан молларни суный равишда қочириб, касалликларнинг

олдини олиш ҳамда даволаш учун зарур дори-дармонлар етказиб беришдан иборат. Фақат ўтган йилнинг ўзидагина 42 минг бошдан ортиқ қорамол насли моллар уруғи билан суный равишда қочирилди.

Молларни юқумли касалликлардан муҳофаза қилиш мақсадида маҳаллий бюджет ҳисобидан зарур препаратлар харид қилиниб, барча жойларда зооветеринария хизмати йўлга қўйилди.

Қорамолларни боқиб, кўплаб чорвачилик маҳсулотлари етиштираётган 7501 нафар фуқароға меҳнат дафтари ҳисобидан

вадорлари янги йилни ҳам бир қанча эзгу режалар билан бошлашди. Жумладан, сигирларни суный усудла қочириб самарадорлигиға эришиш, наслчиликни янада ривожлантириб, юқори маҳсулот берадиган молларнинг бош сонини кўпайтириш бўйича комплекс ишлар изчил амалға оширилди. Шунингдек, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини ташкил қилиш, фермер хўжалиқларида ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш технологияларини жорий этиш каби долзарб масалалар ечимини топиш муҳим вазифалардан саналади.

Ҳар бир туманда аҳоли ва фермер хўжалиқлариға омикта ем сотишға иқтисослаштирилган 84 та шохобча намунали хизмат кўрсатмоқда. Бирлашмаға

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.
Қорақалпоғистон Республикаси



Очиқ акциядорлик-тижорат банк "ПАХТА БАНК"

Юртимиз аҳлини, барча акциядорлари ва миқозларини Янги йил билан табриклайди. Мамлакатимизда 2009 йилнинг

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"

деб эълон қилиниши муносабати билан барча тадбиркор ва ишбилармонларни ҳамкорликка таклиф этади, айниқса қишлоқ жойларда тадбиркорликни ривожлантиришға ва турмуш даражасини янада оширишға ҳамда янги иш ўринларини ташкил этишға қаратилган лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида "Пахта Банк" қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини чуқур қайта ишлашға мўлжалланган инвестицион лойиҳалар танловини эълон қилади.

ТАНЛОВНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ:

- 1. Лойиҳа мақсади:**
 - қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шу жумладан, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини тўлиқ қайта ишлаш;
 - чорвачилик маҳсулотлари, шу жумладан, сут ва гўштни қайта ишлаш.
- 2. Лойиҳа қиймати** — миқоз буюртмаси асосида.
- 3. Лойиҳани молиялаштиришға ажратиладиган кредитнинг миқдори** 500 миллион сўмгача.
- 4. Ташаббускорнинг лойиҳадаги улуши** лойиҳа қийматининг 25 фозидан кам бўлмаслиги лозим.
- 5. Кредит таъминоти** кредит миқдорининг 120 фозидан кам бўлмаган ҳолда, лойиҳа асосида сотиб олинандиган технологик ускуна таъминот сифатида қийматининг 70 фозини миқдоригача қабул қилинади.
- 6. Лойиҳанинг қоплаш муддати** 5 йилдан ошмаслиги ҳамда замонавий технологик ускуналарға асосланган бўлиши лозим.

Куйидаги жиҳатларға эга бўлган инвестиция лойиҳалари алоҳида устуворликка эга:

- экспортға маҳсулот ишлаб чиқаришға йўналтирилган, замонавий ва мослашувчан минитехнологиялар асосланган лойиҳалар;
- энг арзон маҳсулот таннархиға эга бўлган лойиҳалар;
- лойиҳа ташаббускорининг ушбу соҳада юқори малакаға эгаллиги;
- қилинган инвестицияға нисбатан яратилган ишчи ўринлар сони юқори бўлган лойиҳалар.

Танловда иштирок этиш учун "Пахта Банк"нинг барча филиалларига куйидаги ҳужжатларни тақдим этиш талаб этилади:

- танловда иштирок этиш учун ариза;
- корхонанинг таъсис ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботлари;
- лойиҳанинг мақсади, стратегияси, технологик ускуна, хомашё базаси, лойиҳа ташаббускорининг мавжуд имкониятлари ҳамда рақобатчилардан устунлик тарафлари, маркетинг тадқиқотлари кўрсатилган Техник Иқтисодий Асос;
- кредит таъминотиға таклиф этиладиган мол-мулклар тўғрисида маълумот.

Танлов шартларига тўлиқ жавоб берган лойиҳаларға "Пахта Банк" томонидан имтиёзли фойзалар асосида кредитлар ажратилади.


Танловда иштирок этиш учун аризалар "Пахта Банк"нинг барча ҳудудий филиаллари томонидан қабул қилинади.

Мурожаат учун телефон рақамлари: (+99871) 150-85-23, 150-53-57. Хизматлар лицензияланган

Турп — тунроқ ёмбиси

Турп юртимизнинг қариб барча вилоятларида етиштирилади. Асосан озиқ-овқат маҳсулоти сифатида ишлатиладиган турпнинг бир қатор шифобахш хусусиятлари ҳам бор.

Халқ табиоботида турпнинг қайнатиб пиширилгани шамоллашга қарши, пешоб ҳайдовчи, балғам кўчирувчи, томоқ ва ўпка касалликларига даво сифатида тавсия этилади. Жумладан, нафас йўлларидаги шамоллашни даволашда турп шарбатига тенг миқдорда асал аралаштириб, кунига 3-4 марта бир ош қошиқдан истеъмол қилиш амали бор. Турп ичи йўлиб асал солинадиган бўлса, хуштаъм, та-



тимли шарбат ажралади. Ушбу шарбат пешоб йўлида мавжуд бўлувчи майда тошларни нуратиш билан бирга, ўт халтачасининг яллиғланишида энгиллик беради.

Абу Али ибн Сино турп шарбатидан овоз бўғилиш касаллигини даволашда фойдаланган. У саримсоқни пишириб, турп билан қўшиб истеъмол қилинса, буйракдаги тошни йўқотиш, турп уруғининг асал билан аралашмаси киндик оғриғига, уруғининг ўзи эса йўталга шифолигини таъкидлаган.

Халқ орасида тарқалган амаллардан бирида турп, лавлаг ва сабзи шарбатидан тенг миқдорда олиниб, рангли шишага солинади, оғзи пухталаб ёпилгач, устидан хамир ёпиштирилиб, 6 соат давомида оташхонага (духовка-



га) қўйилади. Тайёрланган аралашмадан кунига 3 маҳал бир ош қошиқдан овқатланиш олдиндан истеъмол қилинади. Бу амал камқонлик, бедармонлик, силла куришида ишончи даво воситаси бўлиб хизмат қилади.

Турпда кучли бактерицид (микробларга қирон келтирувчи) хусусиятга эга бўлган лизоцим модда мавжуд. Турп уруғларининг қуқунини оз миқдордаги сув билан аралаштириб, тананинг ярали ерларига қўйилса, секинлик билан тузалаётган жараҳатларнинг битишини тезлаштиради. Турп қизамиқ, юқори нафас


йўлларининг шамоллаши, бронхит, ўпка сили касалликларини даволашда ҳам ишлатилади. Турп шарбатини оғриқ қолдирувчи сифатида, бод, никриз, мушак асаб толарининг шамоллашида баданга суртиш тавсия қилинади. Бунинг учун 3 ош қошиқ турп шарбати, 2 ош қошиқ асил асал, 1 ош қошиқ ароқ ва 1 ош қошиқ микдорда ош тузи қўшиб аралаштирилиши лозим.

Баъзи маълумотларга қараганда, турп танада ортиқча холестерин тўпланишининг олдини олади. Бундан ташқари, у атеросклероз касаллигининг олдини олишда ва даволашда муҳим аҳамиятга эга.

Турп илдиз мевасининг бу хосиятлари таркибидоғи моддалар билан изоҳланади. Унда маълум миқдорда канд, оксил, клечатка, ферментлар, холин В₁, В₂, В₆, РР, С белгилли дармондорилар, шунингдек, салмоқли микдорда калий, кальций, магний, фосфор тузлари, лизоцим моддаси мавжуд.

Эслатма сифатида шуни қайд этиб ўтиш лозимки, турп меъданик яраси, гастрит, энтерит, гепатит ва юрак касалликларига даволаш омилли сифатида истеъмол этилиши лозим қўрилмайди.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос олим.



Қосимжонов рейтингда юқорилади



Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) жаҳоннинг энг кучли шахматчиларининг 2009 йилдаги дастлабки рейтинг жадалини эълон қилди.

2004 йилги жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов жама 2687 рейтинг балл тўплаб, 2008 йилдаги нисбатан саккиз поғона юқорида — 42 ўринда қайд этилди. Умумий рўйхатда болгариялик Веселин Топалов етакчилик қилмоқда. Шунингдек, кучли ўлиқдан ҳиндистонлик Вишванатан Ананд ҳамда украиналик Василий Иванчук жой олди. Ўзбек шахматчилари ўртасида жадалда ҳамон халқаро гроссмейстер Р.Қосимжонов пешкадамлик қилмоқда. Кейинги ўринларни Темур Гарев ҳамда Антон Филиппов эгаллаб турибди. Ўзбекистонлик хотин-қизлар ўртасида кучли ўлиқ Нафиса Мўминова, Ольга Собирова ҳамда Ўрода Ҳамроқуловадан таркиб топган.

Қатарда халқаро мусобақа



Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси (U-20) 7 январь кунини Қатарга жўнаб кетди ва у ерда ҳар йил анъанавий тарзда ўтказиладиган "Дўстлик" турнирида иштирок этади. Кунини кеча Аҳмад Убайдуллаев Қатарга йўл оладиган таркибини аниқлади.

2008 йилнинг ноябрь ойида Саудия Арабистони майдонларида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида кумуш медалларни қўлга киритган таркибга нисбатан бир қатор сезиларли ўзгаришларни кузатиш мумкин. Бу нарсаси асосан йилнинг давомида футболчиларнинг жараҳат олишлари билан боғлиқ. Ўзбекистон миллий терма жамоаси беш мураббий Миржалол Қосимовнинг эътиборига тушиб, 18-29 декабрь кунлари Исроилда ташкирланган йилнинг давомида катнашган Шерзод Каримов, Фозил Мусаев ва Исроил Тўхтажоев яна ёшлар терма жамоаси ихтиёрига қайтибди. Миллий терма жамоага илк маротаба такрифт этилган Даврон Мирзаевни эса жараҳати туфайли Аҳмад Убайдуллаев бевозта қилмади. "Дўстлик-2009" мусобақасида Убайдуллаев шогирдлари "А" гуруҳида Малайзия, Бразилия ва мезбонлар Қатар терма жамоаси билан куч сынашилади. Мусобақада мезбонлар 23 ёшгача бўлган футболчилардан иборат таркиб билан иштирок этади. Иккинчи гуруҳда Япония, Сурия, БАА ва Сербия терма жамоалари ўзаро кураш олиб борадилар.


"Тоттенхэм" кейинги босқичда

Россия терма жамоаси ҳужумчиси Роман Павлюченконинг икки муҳим голи Англиянинг "Тоттенхэм" клубини Кубок бахсларида навбатдаги босқичга олиб чиқди.

Лондон шаҳри шарафини ҳимоя қилувчи "Тоттенхэм" ўз майдонида "Уиган" жамоасини қабул қилди. Мазкур учрашув Англия кубогининг 1/32 финали даражасида баҳс эди. Биринчи бўлим 0:0 ҳисоби билан тугаб, иккинчи бўлимнинг 52-дақиқасида "Уиган" дарвозаси томон пенальти белгиланди. Уни Роман Пав-

Дастлабки кун натижалари

Спорт турлари ичида энг узок давом этадиган "Дакар-2009" кўпкунлик марафони ҳам ўз пойгагини бошлади. Дастлабки кунни барча уч тоифа — энгил автомашини, юк машиналари ва мотоцикл бўйича ҳайдовчилар 733 километрлик масофада беллашишди. Мазкур масофанинг 371 километри ноқулай йўл бўлганлиги сабабли кўпчилик спортчилар пойгани эрта яқунладилар.



Энгил автомашинида маррага биринчи бўлиб BMW вакили Насир Ал-Аттия етиб келган бўлса, юк машиналар пойгаида GINAF маркази автомобилни бошқаритган Марсел ван Влига рақибларини ортда қолдири. Мотоцикллар баҳсида эса испаниялик Марк Кома ўзининг KTM мотоциклида етакчи бўлди.

Россиянинг энг машҳур "КамАЗ" юк автомобили экипажи Ильяр Мардеев пойгани учинчи ўринда яқунлади.

Суннатилла ИСЛОМОВ



Машиқзамин ҳикмат бўстонини

Ота-онага итоат этиш билан бирга уларга чин билдан ишонини ва барча соҳада сирдош, деб фахрланган ҳам лозим. Чунки болаларга нисбатан ота-она кўпни қўриган, ақл ва тажриба ҳисси қўлидан ҳамма яхши-ёмон йўлни билган бўлади. Шунинг учун ота-она болаларга тўғри йўлни кўрсатиб, насиҳат ва маслаҳатлар бериши, болалар эса унга амал қилишлари керак.

Ота-онанинг сўзларига ишонмаган, улардан ўқини ақли ва шайларини деб ҳисоблаган болалар кўпгина қийинчиликлар ва ҳар хил офатларга дучор бўлади. Чунки ишонсизлик одамида адоғ ва ёлғончиликни тугдиради, ёлғончилик эса барча қабилани юзага чиқаради. Бировга ёлғон гапирини энг катта айб бўлиши билан бирга ота-онани адош энг ярамас одатидир. Ота-онани қадлатида қўришиш, ҳар бир ишнинг ҳақиқатидан бебабарлик ота-она учун зўр уқубат ва ҳақоратидир. Болалар қийин аҳвол ва оғир қўлфатга дучор бўлганларидан ўз ота-оналарини бундан оғоҳ қилса, ота-она ўзининг ақли, тажрибаси билан бу қийин ҳолатдан қийин йўлни кўрсатиб берадилар.

Ҳақиқат ҳақ қилиш билан бирга уларнинг напути насиҳатларига қўлоқ солиши ва амал қилиши зарур. Уларнинг яхши ишларидан иборат олиши, тажрибаларидан ҳаётда фойдаланиши керак.

Ҳар бир бола бирор масофага туфайли хатого айла қилса, дарҳол бу хатони тўғрилади ва қиришини, бутун кун-кудратини ишга солиб, ўзини оқлашга, иккинчи марта бундай ишга қўл урмалик учун жон-жаҳди билан курашини лозим.

Фарзанд ота-онанинг бахти ва қуввати бўлишига қарамай, агар у ота-она ривожидан ташқари иш тутса, ундай берам фарзанддан ақли бевоза ҳашир.

Бархурдор ибн МАҲМУД

Болалар ҳаётда ўсиб улғайар эканлар, уларнинг тоғеғлари икки нарсадан айри бўлмайди: ё бахт-саодатли бўлади ёки гулроҳлик йўлига кириб, бахтсиз бўлиб қолади.

Болалар қандай қилиб бахтли бўлишлари мумкин? Агар бола ота-онанинг гапига қўлоқ соғса, уларнинг айтган йўлидан чиқмаса, берам маслаҳатларини жон деб қабул қилса, уларга шунчаки қўлоқ солиб қўя қолмай, бутун кучи билан амал қилишга уришса ва доимо ёдда тутса, бундай бола катта бўлганда, албатта, бахтли бўлади.

Бола қандай қилиб бахтсиз бўлиб қолади? Агар бола ўз ота-онанинг беварз чин кўнгилидан меҳрибонлик қилиб айтган сўзларига қўлоқ солмаса, берам маслаҳатларини қувқоқ азмаса, бошқаларнинг напути насиҳатларини тингламаса, бора-бора йўлдан адашади, оқибат-натияжда бахтсиз бўлиб қолади. Бахтсиз болалар катта бўлганларидан кейин ўз бахтсизликларига ўзларини айбдор, деб ҳисобламай ота-оналарига тўхмат тоиларини отишади, бахтсизликларининг сабабчиси қилиб уларни кўрсатишади.

Болалар! Сиз ҳаётда кўриб тураганингиздек, илми ва маърифатли кишилар ҳамма иззат ва иқромда, билмакс, пули қўп, манман деган бадавлат кишилар эса оғир жихатидан уларнинг олдида настир. Бундан кўриниб турибдики, илм кишини эл олдида азиз муқаррам қилар экан.

Мустафо ҲОМИЙИОШИО

Ҳақиқий фарзанд ҳар бир соҳада ўз отасининг ҳужмига тобе бўлади.

Бархурдор ибн МАҲМУД

Ота ёки бобоининг насути насоби билан эмас, балки ўз меҳнатинг ва ҳунаринг билан керил!

Азизим, лоф урма насути насобдан, Насобдан кечилу, лоф ур адабдан!

Яхши сизиринге боласи ҳам яхши бўлади, Жаҳонинг яхши бўлиши уруғингезга бўлишидан.

"Оталар сўзи"

Тўловчилар: Ҳамиджон ҲОМИДИЙ, Маҳмуд ҲАСАНИЙ. ("Машиқзамин ҳикмат бўстони" китобидан)

Сувда ўсадиган савзавотлар

Айтишларига қараганда афсонавий Боғи Эрам икки қаватдан иборат бўлиб, унинг тепасида ҳам, остида ҳам анвойи гулу чечак ва турфа мевали дарахлар бўлган. Буку, афсона дерсиз. Аммо Шимолий Ҳиндистонда, Қашмир водийсидаги мавжуд бўлган дарё ва қўллар устида савзавотлар етиштирилишини эшитсангиз, ҳайратланасиз. Маҳаллий аҳоли шакарқамиш ҳамда сув ўтларидан соллар тўқийди ва унинг устига тулроқ сегиб, савзавот ниҳолларини ўтказдилад.

Бу боғларни суғориш борасида қайғурмас ҳам бўлади. Чунки эҳилган савзавотларнинг илдизлари қамиш ва сув ўтлари тўғрима-сидан ўтиб, қўл сувидан шоклида бўлиб туради. Оқиб юрчи мазкур савзавот пулталаридан йилга икки маҳал ҳосил олиш мумкин.

Ақбар АЛИЕВ тайёрлади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан рўйхатдан ўтказилган яқна тартибдоғи тадбиркор Мансурхонжаев Отабек Бахрамоғидаевич номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокимияти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2008 йил 22 июлдаги 003352-03 сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган "XITOV SAVDO BIZNES" хусусий қорхонаси ҳуқуқий мақоми масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришларини маълум қилади. Давлолар 300-90-81 телефони орқали қабул қилинади.

Утеринная операционная круглая печать "ВОЛЖОНА ТЕМП ЯОЛ СЕРТИФИКАЦИОНАЯ НУЖДАТЛАЯ УЧУН" принадлежаций ООО "MIZACHO" MATLUBOT INVEST SAVDO" (ИНН 300703065) Мирзачульского района Джизакской области, считать недействительным.

ЧП "ТОЛВ-ОХУН" (ИНН 206743348) Зангиатинского района Ташкентской области сообщает об уменьшении Уставного фонда с 3 351 856 сум до 250 000 сум. Претензии принимаются по тел.: 298-49-52.

ООО "O ZALYANS-AVTO" (код по ОКПО 19883284, ИНН 205337149) сообщает об уменьшении Уставного фонда с 32 900 000 сум до 13 150 130 сум. Претензии принимаются по адресу: г.Ташкент, Чиланзарский район, ул.Чиланзарская, 15. Тел.: 288-28-28.

ЧП "SAIDAHMAT-BIZNES" сообщает об уменьшении Уставного фонда с 430 000 сум до 230 000 сум.

ЧП "MAFTUNA-YULDUZ-SAVDO" (ИНН 300516550) зарегистрированное отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимияти Мирабадского района г.Ташкента, расположенное по адресу: г.Ташкент, Мирабадский район, ул.Фаргона йўли, 150, ликвидирован (решение собрание учредителей № 2 от 05.01.2009 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

ЧП "ARSEN-ASKER" (ИНН 202243996) Чиланзарского района г.Ташкента сообщает о своей реорганизации в форме преобразования в ООО "ARSEN-ASKER". Тел.: 920-09-50.

Утерняный диплом ПВ № 839827 (рег. № 1845), выданный 13.06.1987 г. Ташкентским институтом народного хозяйства на имя Субхангуловой Венеры Амирязевны, считать недействительным.

АВТОТРАНСПОРТ — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ВАЖИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ

AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўриндикли, 0,8 тонна юк қўтарадиган фуоргалар, 6-15 ўриндикли микроавтобусларини сотади.

Ҳақ тўлаш инсталган усулда!

Маҳсулотлар сартификатланган

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй. Тел/факс: (99871) 256-13-01, 256-10-36, 256-03-62, 126-12-94. Автосалон: 127-69-60, 140-41-22, 140-41-21. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

SSANGYONG АВТОСАЛОН

МЧЖ "ULOR AVTO" расмий вакили SsangYong Motor Company (Жанубий Корея)

ACTYON KYRON REXTON RODIUS

Германия технологияси асосида Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган

Махсулот сартификатланган

Тошкент ш.У.Носир кўчаси 12. Тел.: 148-48-48, 150-71-20, (+99897) 421-21-01, (+99897) 421-21-02.

Бош муҳаррир Чоря ЛАТИПОВ	МУАССИСЛАР КЕНГАШИ Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Фарход ОМОНОВ, Раҳимберди БҲРИЕВ, Фуломжон ИБРАГИМОВ, Аҳром АРИПОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Раҳматилла РҲЗИКУЛОВ, Борий АЛИХОНОВ, Абдурахмат БОЙМУРОДОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Виктор ЧУБ, Валерий УСТИЮГИН, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шухрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Оловуддин ИБРАГИМОВ, Шамсиддин ЭСОНБОВ, Зинвуддин ОБИДОВ.	ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Айтий АДИЛОВ, Фозир АЛИЕВ, Тўланбой ҚАРИМОВ, Шухрат ГАНИЕВ, Уктам БАРНОЕВ, Уткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиб ЖАББОРОВ, Ҳадиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам КОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҲУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).	ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Котибхона — 233-95-17, Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-44-43, 233-28-04, 233-28-04, 233-09-93.	РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР МАТНИ УЧУН БУЮРТМАЧИ ЖАВОБГАР ① -тижорат мақола	НАВБАТЧИ: Д.ҚИРҲИЗБОВЕВ Мусаҳҳиж: А.НУРУЛЛАЕВ Дизайнер: Ф.РАСУЛОВ		
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 -рақам билан рўйхатдан ўтказилган.	Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт" илова), жума кунлари чиқиди.	Буюртма Г-18, ҳажми 2 босма табоқ, ҳозог бичими А-2.	Офсет усулида босилди, ҳозог бичими А-2.	Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 22.20 18219 нусxada босилди. Нашр индекси — 144	Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.	"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Туррон" кўчаси, 41-уй.	2345678